



ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ -ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Зоир Қаюмов

ТДЮУ тадқиқотчиси E-mail: zoir62@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Бугунги кунда юридик жавобгарликдан озод этиш институти нисбатан янги бўлса-да, у тобора бутун ҳуқуқий тизимни қамраб олмоқда.

Мустақилликдан олдин юридик жавобгарликдан озод этиш асосан жиноят қонунчилиги доирасида амалга оширилган бўлса, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш сиёсати туфайли у жавобгарлик билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқ тармоқларидан илдамлик билан ўрин эгалламоқда.

Ушбу мақолада ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши юридик жавобгарликдан озод этиш институтининг бутун ҳуқуқий тизимда амалга ошираётган ислохотлар самарадорлигини ёритишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, муаллиф жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида одил судловнинг ихтисослашуви, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида тан олинishi, барча ўзгаришлар негизида инсон манфаати каби тамойилларнинг фаол жорий этилишида юридик жавобгарликдан озод этиш институти такомиллашувининг омили эканлигини ёритишга эриша олган.

АННОТАЦИЯ: На сегодняшний день институт освобождения от юридической ответственности является относительно новым явлением, но он все больше охватывает всю правовую систему. Хотя освобождение от юридической ответственности до обретения независимости было в основном в рамках уголовного права, оно опережало все правовые сети, связанные с ответственностью, благодаря политике либерализации правовой системы.

В данной статье освещаются вопросы о либерализации правовой системы и об эффективности реформ, которые реализуются со стороны Института юридического освобождения во всей правовой системе.

Автору также удалось осветить специализацию правосудия в результате радикальных реформ в нашем обществе, признания прав и свобод человека в качестве высших ценностей и ещё смог осветить тот факт, что, основываясь на всех изменениях, институт освобождения от юридической ответственности стал фактором активной реализации таких принципов, как человеческий интерес.

ANNOTATION: Although the institution of legal exemption is relatively new today, it is increasingly embracing the entire legal system. While the pre-independence exemption from legal responsibility has been largely within the criminal law, it has been ahead of all legal networks related to liability due to the liberalization policy of the legal system.



This article seeks to highlight the effectiveness of the liberalization of the legal system in the entire legal system of the Institute for Legal Liberation. The author also managed to highlight the specialization of justice as a result of radical reforms in our society, the recognition of human rights and freedoms as the highest values, and the improvement of the institution of legal responsibility for the active implementation of such principles as the interests of all human beings.

Жамиятда ҳуқуқий тизимни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат барпо этишда аввало суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, жиноий жазо тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши ўз навбатида юридик жавобгарлик институти доирасида жавобгарликдан озод қилиш ғоясининг вужудга келишини ва ривожланишини тақозо этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида бу ҳақда шундай фикр билдирилган, “Адолат ва қонун устуворлиги –халқчил давлат куриш, инсон кадр қийматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир”. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқлиги кўрсатиб ўтилганди.

Ушбу омиллар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шу жумладан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг самарадорлигини, халқимизнинг суд органларига нисбатан қатъий ишончи ва ҳурматини оширишда янада тўлароқ намоён бўлади.

Шу билан бирга, ушбу Мурожаатномада суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан эканлиги ва судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлгани эътиборга моликдир⁷⁹.

Мамлакатимизда ўтган уч йил мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Ҳуқуқ тизимини либераллаштирилишида юридик жавобгарликдан озод қилиш институти мураккаб қўп томонлама ҳуқуқий ҳодисадир. Юридик жавобгарликдан озод қилиш давлат томонидан мажбурлаш, ижтимоий ва ҳуқуқий жавобгарлик каби ҳодисалар билан ўз аро боғлиқ. Юридик жавобгарликдан озод қилиш институтини

⁷⁹ <https://old.sud.uz/sud-huquq-islohotlar>



илмий таҳлил қилишда юридик жавобгарликнинг моҳиятини аниқлашда ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, аввало ҳуқуқий тизимдаги туб ўзгаришларни тақозо этмоқда. Янги ҳуқуқ тизими тармоқлари, институтлари шаклланади. Худди шунингдек ҳозирги шароитда ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилишида юридик жавобгарликдан озод қилиш институтининг шаклланиши объектив эҳтиёж натижасидир. Мазкур институтнинг ривожланиши шу пайтга қадар айрим ҳуқуқ тармоқларидагина (асосан жиноий ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий соҳаларда) амалга ошириб келинади.

Ҳозирги шароитда иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар таъсири остида мамлакат ҳуқуқий тизимида бир гуруҳ янги нормалар вужудга келдики, улар жавобгарликдан озод қилишни янги асослар бўйича тартибга сола бошлади. Жавобгарликдан озод қилиш институтига тизимли ёндашув юридик жавобгарликнинг ҳар бир турини татбиқ этиш жараёнида объектив равишда талаб этиладиган оммавий ва хусусий манфаатлар уйғунлигини тушуниш ва асослаш имкониятини бермоқда.

Бу борада И.В.Шмаровнинг фикрича ҳуқуқ самарадорлиги тушунчаси ҳуқуқ нормасида жавобгарликнинг белгиланиш даражасига боғлиқ бўлган тушунчадир. Жиноят ҳуқуқида жавобгарлик қанчалик юқори бўлса, шунчалик даражада биз мақсадга эришишимиз мумкин. Унинг таъкидлашича, жавобгарликнинг самарадорлигини ошириш орқали ҳуқуқ самарадорлигига эришишимиз осон бўлади, жавобгарлик самарадорлиги ўзида судланувчини қайта тарбиялашни ташкиллаштириш учун сарфланган вақт, энергия ва фойдаланилган унсурлар мажмуини мужассамлаштиради. (1) Ҳуқуқшунослик адабиётларида юридик жавобгарликдан озод қилиш турлари масаласи деярли ишлаб чиқилмаган. Фақат жиноят ҳуқуқи соҳаси ва фанида жиноий жавобгарликдан озод қилиш турлари етарли даражада чуқур ўрганилган. Лекин жамиятда юз бераётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ушбу институт олдида янгидан-янги муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини қўймоқда.

Фуқаролик, маъмурий, меҳнат, солиқ, божхона ҳуқуқи соҳаларида эса юридик жавобгарликдан озод қилиш масалалари қонунларда белгилаб қўйилган бўлса-да, ушбу соҳага тааллуқли адабиётларда мазкур муаммолар аста секинлик билан чуқур ўрганилмаган.

Ҳуқуқшунослик адабиётларида юридик жавобгарликни турли мезонлар асосида турларга ажратиш қабул қилинган. Профессор З.М.Исломов юридик жавобгарликни: а) давлат ҳокимияти органлари томонидан юклатиладиган жавобгарлик; б) суд ва бошқа юрисдикция органлари томонидан юклатиладиган жавобгарлик; в) ҳуқуқбузар маъмурий органлар давлат бошқаруви органлари томонидан тортиладиган жавобгарлик бўйича турларга ажратади.

Юридик жавобгарлик қайси соҳага тааллуқлилиги, ҳуқуқбузарликнинг қайси тури содир этилганлигига мувофиқ: а) жиноий-ҳуқуқий; б) маъмурий; в) фуқаровий-



хуқуқий; г) ишчилар, хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги; д) интизомий-хуқуқий жавобгарлик фарқланади⁸⁰.

Профессор Ҳ.Т.Одилқориев юридик жавобгарликнинг қуйидаги турларини фарқлайди: жиноий жавобгарлик; маъмурий жавобгарлик; фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик; интизомий жавобгарлик. Юридик жавобгарликдан озод қилиш институтининг таснифи турли мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Юридик жавобгарликдан озод қилишнинг энг муҳим мезонларидан бири тармоқ мезонидир. Бунга асосан тадқиқ этилаётган ҳодисани конституциявий, халқаро, маъмурий, фуқаролик, молиявий, солиқ ва жиноий жавобгарликдан озод қилишга ажратиш мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишнинг ҳар бир кўрсатилган тури, муайян тармоқнинг хуқуқий тартибга солиш предмети ва методининг ўзига хослиги билан ажратиб турадиган хусусиятларга эга.

Тадқиқ этилаётган институт конституциявий ва меҳнат қонунчилигида деярли (айтарли даражада) ишлаб чиқилмаган. Хуқуқни барча тармоқлари учун мазкур институтнинг умумий қонуниятларни янада аниқ тартибга солиш мақсадида юридик фан олдида аниқ вазифаларни қўяди⁸¹.

Юридик жавобгарликдан озод қилиш *мақсадига кўра ҳам таснифланади*:

- а) жавобгарликнинг дифференцияси, яъни ҳуқуқбузарликнинг турига боғлиқ бўлган ҳолда қўлланиладиган жавобгарликнинг турли чораларини яратиш;
- б) жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган қилмишнинг истисно этиш;
- в) қонун доирасида жавобгарликнинг татбиқ этиш жараёнига жалб этиладиган субъектлар таркибини кенгайтириш;
- г) жазодан озод қилиш ўз навбатида жавобгарликдан озод қилишнинг мақсадларидан бири сифатида қўллаш.

Жавобгарликдан озод қилишни таснифлашнинг учинчи мезони, *жавобгарликдан озод қилишнинг асослари* ҳисобланади. Қонунчиликка мувофиқ жавобгарликдан озод қилишнинг асослари бир-биридан қуйидагича фарқ қилади: а) ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра; б) ҳуқуқбузарнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра (ёши, ҳуқуқбузарлик содир этилганидан «олдин» ва «кейин» ги ижобий хулқ-атвори ва бошқа ҳолатлар).

Жавобгарликдан озод қилишни таснифлашнинг тўртинчи мезони – *жавобгарликдан озод қилиш шакли* ҳисобланади. Мазкур мезонга биноан жавобгарликдан озод қилишни қонунчилик (қонун шаклида мустаҳкамланган шарт-шароитлар) ҳамда ҳуқуқ ижрочилик (яъни суд, маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорлар) шакллари фарқланади. Ҳар қандай юридик жавобгарликдан озод қилиш ўзининг

⁸⁰ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 906.

⁸¹ Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. - 2-е изд. – М.: 2000. – С. 179-180.



қонунчилик ва ҳуқуқни ижрочилик актларига эга бўлади. Лекин уларнинг ўзаро нисбати турличадир. Масалан, агар жиноий ва жиноий-ижроия ҳуқуқида жавобгарликдан озод қилиш асослари қонунда белгиланган ва аниқлаштирилган бўлса, меҳнат ҳуқуқида интизомий жавобгарликдан озод қилиш деярли тўлиқ иш берувчининг иродасига боғлиқ бўлади. Меҳнат кодексида ҳатто ходимни жавобгарликдан озод қилишнинг ҳеч қандай асоси кўрсатиб ўтилмаган.

Жавобгарликдан озод қилиш институти жамиятдаги ижтимоий ҳаётни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Худди шунинг учун ҳам жавобгарликдан озод қилишни тўлароқ тадқиқ этиш учун унинг функцияларини таҳлил этиш лозим.

Юридик фанда «функция» тушунчаси турли хил маъноларда қўлланилади. Ҳуқуқ функцияси бу унинг ўзига хос хусусиятини намоён бўлишидир. Функция ҳуқуқни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этади ва сифат жиҳатидан унинг мустақиллигини тавсифловчи хоссалар ва белгилар мужассамлашган бўлади⁸². Жавобгарликдан озод қилиш – ҳуқуқий ҳодиса бўлгани учун юридик жавобгарликнинг умумтаълим бўлган, яъни жазоловчи, превентив, регулятив, тикловчи, тарбияловчи вазифалари ўзига хос равишда амалга ошади. Юридик жавобгарликдан озод қилиш функциялари кўп қиррали ҳисобланади ва қуйидагиларда намоён бўлади:

Инсонпарварлик функцияси айбдор шахсни амнистия, афв этиш орқали кечиришга йўналтирилган бўлиб, ҳуқуқ ва эркинликларнинг табиий характери билан ифодаланади.

Рағбатлантирувчи функцияси ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга, агарда у кўнгилли равишда ўз жиноий фикридан воз кечганда ва унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби мавжуд бўлмаган тақдирда, юридик жавобгарликка тортмаслик имконияти берилади. Бунинг натижасида субъектнинг ҳуқуқий хулқ-атвори рағбатлантирилади ва ҳуқуқбузарликни қайта содир этилишининг олди олинади.

Муҳофазалов-чи функция янги шароитларда юридик жавобгарликнинг жазоловчи функциясининг ўзгарган, ривожланган тури сифатида намоён бўлади. У ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ифодалайди:

биринчидан, ҳуқуқбузарни – ҳуқуқ субъектларини улар содир этган ҳуқуқбузарлик учун, агарда ҳуқуқбузарнинг кўрсатилган оқибатларни бошдан кечириш мажбуриятини бартараф қиладиган объектив ва субъектив омиллар йиғиндиси мавжуд бўлган тақдирда, давлат мажбурий чораларини қўллаш оқибатида ноқулай оқибатлар келиб чиқишидан ҳимояланиш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни – ҳуқуқ субъектларини, «ҳамма нарсани кечириш» га ўтмаслик учун, жавобгарликдан озод қилиш асосларини сунъий равишда кенгайтиришга йўл қўймаслик керак.

⁸² Марченко М.Н.. Общая теория государство и право: Академический курс в 3 т. – 2-е изд. – М.: ПҚД Зеркало, 2001. - Т.2. – С. 158.



Хуқуқни таъминловчи функция қонунда мустаҳкамланган процессуал талабларни бажариш йўли билан юридик жавобгарликдан озод қилиш жараёнини кафолатлашни билдиради. Мазкур функция фақат жиноят қонунчилигида амалга оширилиши мумкин.

Превентив функция ҳуқуқий муносабатларнинг тегишли соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашадиган юридик жавобгарликдан озод қилиш институтини татбиқ этилишини белгилайди.

Ижтимоий назорат функцияси давлат ва жамиятни у ёки бу қилмишни сифат жиҳатидан баҳоланишини қайта кўриб чиқишга рағбатлантирувчи сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа шу каби фуқаролик жамияти институтларини жавобгарликни амалга ошириш жараёнига жалб этишга имкон беради. Юқорида тилга олинган барча функцияларни юридик жавобгарлик доирасида тадқиқ этиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Превентив таъсир кўрсатиш натижаси жазоловчи таъсир кўрсатиш чораларини тўхтатиш учун асос сифатида қўлланилиши мумкин. Мазкур функцияларнинг ўзаро алоқадорлигининг бир жиҳати намоён бўлади. Масалан, ҳуқуқий хулқ-атвор жазони ўташдан шартли равишда муддатдан олдин озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасида жазони ўташда муддатида илгари шартли озод қилиш белгиланган. Унга кўра, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатдан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Ҳатто, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин. Ваколатли орган юридик жазо таъсир кўрсатиш чорасининг қўллаш зарурияти йўқлиги тўғрисида хулоса чиқариши билан, жазоловчи функцияни амалга ошириш тўхтатилиб, кўрикловчи функция ўз фаолиятини бошлайди.

Ҳуқуқий хулқ-атвор нафақат жазо таъсир чорасини қўллашни тўхтатиши, шу билан бирга унинг пайдо бўлишини ҳам истисно қилиши мумкин. Кўплаб рағбатлантирувчи нормалар шунга йўналтирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда); ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда); қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда) белгиланган. *Бизнинг фикримизча*, барча кўрсатилган ҳолатларда ҳуқуқий хулқ-атвор рағбатлантиришнинг асосларидан бири сифатида намоён бўлади. Бунинг оқибатида жазоловчи функция амалга оширилмайди, чунки юридик жавобгарликнинг хусусий превентив функцияси ўз самарасини беради.

Д.А.Липинский бундай ҳолатда превентив ва жазоловчи функцияларнинг ўзаро боғлиқлигини, шу билан бирга превентив функциянинг тикловчи функция билан ҳам боғлиқлигини кузатиш мумкинлигини, бу эса айниқса етказилган зарарни тиклаб



берган субъектларни рағбатлантиришда намоён бўлишини таъкидлайди. Ҳуқуқбузарлик содир этилгандан сўнг жазонинг муқаррарлиги вужудга келади. Ҳуқуқбузар бир вақтнинг ўзида жазоловчи ва рағбатлантирувчи чоралар таъсири билан ҳуқуқий хулқ-атворга, бузилган ижтимоий муносабатларни тиклашга, етказилган зарарни қоплашга, ўзининг ҳуқуққа хилоф фаолиятини тўхтатишга мажбур этилади⁸³.

Шундай қилиб, юридик жавобгарлик функцияларини амалга ошириш ҳамда юридик жавобгарликдан озод қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар кўп функциялик хусусиятига эга ва умумий ҳолда мураккаб тизимни ташкил қилади. Шу сабабли юридик жавобгарлик бир вақтнинг ўзида ижтимоий муносабатларни тартибга солади, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади, бузилган муносабатларни тиклайди, айбдор шахсларни жазолайди ва айнаи вақтда тарбиялайди. Юридик жавобгарликнинг функциялари, ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг ўзига хос йўналиши доирасида ривожланиб, янги сифат ва хусусиятга эга бўлади.

Юридик жавобгарликдан озод қилиш нафақат илмий ижодкорликнинг, балки ижтимоий тараққиёт тенденцияларини башорат қила билишнинг натижаси ҳамдир. У ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқни яратиш ва ҳуқуқни қўллашнинг ягоналиги ва яхлитлиги асосида ҳуқуқий жавобгарлик чораларини татбиқ этиш заруриятини бартараф қилиш воситасида, ижтимоий-фойдали натижага эришиш мақсадида инсонпарварлик, кўриқловчи, рағбатлантирувчи, тикловчи, ҳуқуқни таъминловчи, превентив ҳамда тарбияловчи функцияларини амалга оширишнинг объектив эҳтиёжи натижасида вужудга келган.

Юридик жавобгарликдан озод қилишнинг бош мақсадига эришиш кўп ҳолларда унинг алоҳида элементларини ҳуқуқий тартибга солишнинг такомиллаштирилишига боғлиқ бўлиб, мазкур соҳани тартибга солиш ва ўта аниқлаштиришни тақоза этади.

Юридик жавобгарликдан озод этиш ҳуқуқ принциплари асосида амалга ошади. Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқнинг моҳиятини ифодалайди. Жамият ҳуқуқий ҳаётини қамраб олади, унга муайян мантиқ, мазмун, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этади. «Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқнинг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг асосий ғояси, бошланғич қоидаси, етакчи мезони сифатида майдонга чиқади»⁸⁴.

Юридик жавобгарликдан озод этишда ҳуқуқнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принциплари амал қилади.

Инсонпарварлик принципи юридик жавобгарликдан озод этишнинг мазмунини ташкил этади. Инсонпарварлик, инсонни ардоқлаш, уни энг олий қадрият сифатида

⁸³ Липинский Д.А. Проблемы юридической ответственности. Под ред. проф. Р.Л.Хачатурова. СПб: Изд-во "Юрид. центр Пресс", 2003. – С. 129.

⁸⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. –Б. 206.



тан олиш, улуғлаш ўзбек халқининг табиатига хосдир. Жамият ҳуқуқий тизими, юридик жавобгарлик ва ундан озод этиш тизими инсонпарварлик руҳи билан суғорилган.

Жамият ҳаёти, инсоннинг турмуши адолатпарварликка асосланади. Адолатпарварлик ҳуқуқнинг асосий принципларидан биридир. Адолатпарварлик принципи юридик жавобгарликдан озод этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Адолат принципи кўпгина нуфузли халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, мамлакат ички қонунчилигида ўз тасдиғини топган.

Юридик жавобгарликдан озод этишда қонунийлик принципи бекиёс аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда одил судлов жараёни, ҳуқуқни амалга ошириш, жумладан юридик жавобгарликдан озод этиш жараёнида иштирокчилари фаолияти тўла-тўқис қонунга мос бўлиши талаб этилади.

Қонунийлик принципи – барча мутасадди органлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг хатти-ҳаракатида қонунга итоат этиш, унинг талабига оғишмай риоя қилишда намоён бўлади. Қонунийлик умумийлик ва ягоналик сифатлари билан тавсифланади. Қонунга итоат этиш барча субъектлар учун умумий мажбурий талабдир. Қонундаги ҳар бир қоида ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилари учун ягона талаб сифатида майдонга чиқади. Жамият ҳаётида қонун устувор бўлиб, бутун мамлакат ҳудудида ягона ҳисобланади. У бир хилда тушунилиши ва бир хилда бажарилиши лозим⁸⁵.

Юридик жавобгарликдан озод этиш фаолиятида қонунийлик принципи – мазкур жараён иштирокчиларининг ўз вазифа ва мажбуриятларини қонун доирасида амалга оширишлари; юридик жавобгарликдан озод этишда субъектив омилларга йўл қўймаслиги; қонунда белгиланган муддат ва жавобгарликдан озод этиш мезонларига қатъий амал қилиши; ўзбошимчалик ва сан-салорликка йўл қўймасликда ифодаланади.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи юридик жавобгарликдан озод этишда ўта муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Мазкур принцип қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. *Биринчидан*, мамлакатда барча фуқаролар тенг ҳолат ва мақомга эгалиги. Давлат ўз қонунлари билан фуқароларга бир хил шароит ва тенг имкониятлар яратиб беради. Ҳамма бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бироқ, улардан фойдаланиш амалда турлича бўлади.

⁸⁵ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. –Б. 209-210.



Иккинчидан, бу принцип умумфуқаролик ҳуқуқларнинг тенглигини ифодалайди. Бу ҳуқуқлар, аввало, Конституцияда ва бошқа қонунларда белгиланади. *Учинчидан*, бу принцип фуқароларнинг қонун олдида бирдек масъуллигини ифодалайди⁸⁶. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давомидир. Унда бугунги глобал ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи, ҳаёт талаби ва кадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда етита устувор йўналишдаги мақсад ва вазифалар белгиланган. Тараққиёт стратегияси 100 та устувор мақсадни ўзида мужассам этган бўлса, шундан суд ислохотлари билан боғлиқ бандлар бевосита иккинчи йўналиш доирасида белгиланган. Бу устувор йўналиш **“Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”** деб номланган. Хусусан, “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш” номли **15-мақсадга** эришиш учун:

Биринчидан, маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш;

Иккинчидан, “Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

Учинчидан, низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш каби ушбу вазифалар ҳаётимизга чуқур татбиқ этилиши натижасида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғояси амалга ошади. Жумладан, бунда ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг роли ва масъулияти янада кучаяди.

Хулоса ўрнида ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши юридик жавобгарликдан озод этиш турли мезонлар асосида таснифланишини, жамият ҳуқуқий тизимида беқиёс аҳамиятга молик вазифани бажара олиши билан унинг моҳияти функция ва принципларида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 906.

⁸⁶ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. /Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq 2009. –Б. 211.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'OYALAR



3. Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. - 2-е изд. – М.: 2000. – С. 179-180.
4. Марченко М.Н.. Общая теория государство и право: Академический курс в 3 т. – 2-е изд. – М.: ПКД Зеркало, 2001. - Т.2. – С. 158.
5. Липинский Д.А. Проблемы юридической ответственности. Под ред. проф Р.Л.Хачатурова. СПб: Изд-во “Юрид. центр Пресс”, 2003. – С. 129.
6. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. –Б. 206.